

**ҲАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУЛари ИШТИРОКИДА ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ
ВА ОҚОВА СУВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МХҲСНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Сайдакбаров Ҳусниддин Абдисаломович -
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети,
PhD., катта ўқитувчи*

Аннотация. Ушбу мақолада сув таъминоти ва канализация соҳасида хориж мамлакатлардан жалб этилган инвестицион мұхитни шакллантириши ҳисобига, ақолини тоза ичимлик суви билан таъминланыш дарражасини күтариши ва шунга боғлиқ молиявий ҳисаботларини ҳалқаро стандартлар асосида ташкил этиш, замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида замонавий бошқарув механизмларини фаоллаштириши ва давлат бошқарувининг ташкилий-хукуқий асослари асосида ташкил қилиш ўйлари кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: Сув таъминоти ва канализация, инвестиция, инвестиция мұхити, рақобат мұхити, хизмат, тақсимлаш, бошқарув механизми, сув иншоотлари, табиии монополия, тариф сиёсати, ҳисоблагичлар, мхҳс, ичимлик сув, бошқарув усуслари.

**ВАЖНОСТЬ МСФО ПРИ РАЗРАБОТКЕ СИСТЕМЫ ПИТЬЕВОГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ И
СТОЧНЫХ ВОД С УЧАСТИЕМ МЕЖДУНАРОДНЫХ ФИНАНСОВЫХ ИНСТИТУТОВ**

*Сайдакбаров Ҳусниддин Абдисаломович -
Ташкентский государственный экономический
университет, Ст. пред. PhD.*

Аннотация. В статье рассматривается формирование инвестиционного климата в сфере водоснабжения и водоотведения, повышение уровня доступа к безопасной питьевой воде и организация соответствующей финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами, активизация современных механизмов управления на основе современных инновационных идей, разработки и технологии, показаны способы организации на основе организационно-правовых основ.

Ключевые слова: Водоснабжение и канализация, инвестиции, инвестиционный климат, конкурентная среда, услуги, распределение, механизм управления, водные объекты, естественная монополия, тарифная политика, счетчики, мхҳс, питьевая вода, методы управления.

**IMPORTANCE OF IFRS IN THE DEVELOPMENT OF A DRINKING WATER SUPPLY AND WASTE WATER
SYSTEM WITH THE PARTICIPATION OF INTERNATIONAL FINANCIAL INSTITUTIONS**

*Saidakbarov Husniddin Abdusalomovich-
Tashkent State University of Economics,
PhD, senior lecturer*

Annotation. The article discusses the formation of an investment climate in the field of water supply and sanitation, an increase in the level of access to safe drinking water and the organization of appropriate financial reporting in accordance with international standards, the activation of modern management mechanisms based on modern innovative ideas, development and technology, shows the ways of organization based on the organizational and legal framework.

Keywords: Water supply and sewerage, investments, investment climate, competitive environment, services, distribution, management mechanism, water bodies, natural monopoly, tariff policy, meters, microsystems, drinking water, management methods.

Кириш. Сўнгги йилларда мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилган ҳолда сувдан фойдаланиш, шу жумладан, сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Сувдан фойдаланишни самарали тартибга солишини таъминлаш учун сув ресурсларини бошқариш бўйича янги тузилмалар яратилган, сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасига хусусий

секторни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган янги ислоҳотлар барча тармоқ ва соҳаларда замонавий ўзгаришларга ва самарали бошқарувга қаратилгани билан мұхим аҳамият касб этмоқда. Сув таъминоти ва канализация хизматлари соҳасида ҳам бугунги кунда ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Кўп йиллар давомида Сув таъминоти ва канализация хизматлари табиии монополия бўлиб, унда ичимлик сув ишлаб чиқариш, узатиш ва сотиш худудий хокимликлар бошқарувида бўлиб келган.

Мамлакатимиздаги янги ислоҳотларнинг самараси натижасида, Сув таъминоти ва канализация хизматлари соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, Сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-хуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида, “Ўзсувтаъминоти” АЖ мустақил фаолияти ташкил этилди. “Ўзсувтаъминоти” АЖ мустақил фаолият бўлгани билан, ҳозирги кунга қадар улар давлат томонидан бошқариб келинади. Лекин асосий мақсад, Сув таъминоти ва канализация хизматлари соҳасида хорижий инвестицияларни жалб этиш, замонавий бошқарув механизмларини ривожлантириш, соҳада рақобат муҳитини шакллантиришдан иборат.

Сув таъминоти ва канализация хизматлари халқ хўжалигини ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган умумдавлат ва ўзгармас ресурслар билан таъминловчи иқтисодиётнинг асосий секторини ташкил этади. Сув таъминоти ва канализация хизматлари соҳасида рақобатни ривожлантиришга қаратилган объектив тўсик, ҳар қандай инфратузилма соҳасида бўлгани каби, ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари бўлиб ҳисобланади. Республикализ сув таъминоти ва канализация хизматлари соҳаси ҳозирги кунга қадар иқтисодиётнинг донори сифати фаолиятини сақлаб қолмоқда. Сув таъминоти ва канализация хизматларига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда, лекин талабни сифатли ва мунтазам қондирish ҳар доим ҳам муаммо бўлиб келган.

Сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатиш учун етарли даражада қамров олиш танқислиги, сув таъминоти ва канализация хизматлари, ишлаб чиқарувчи станцияларнинг худудлар бўйича жойлашувидаги нофаол ҳолат, соҳада замонавий рақобат муҳитининг йўқлиги, хорижий инвестицияларнинг етарли даражада киритилмаганлиги турли хил муаммо ва тўсиқларнинг сақланиб қолаётганлиги, ментақада соҳада тажрибали кадрларнинг етишмаслиги, сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатишда ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилмаганлиги, соҳада замонавий бошқарув механизмлари ва усуулларининг талаб даражасида ишламаслиги ўз таъсирини кўрсатиб қолмоқда.

Шунинг учун, сув таъминоти ва канализация хизматлари соҳасида илғор хорижий тажриба, замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида сув таъминоти ва канализация хизматлари тармоғида давлат бошқарувининг ташкилий-хуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мазкур мавзунинг долгзарлигини белгилайди.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакат сув таъминоти ва канализация хизматлари соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш, давлатнинг ичимлик суви хавфизлигини таъминловчи ушбу соҳада миллӣ даражадаги интеграция зарурлигини белгилаб беради. Шу билан бирга, ички ва ташқи қоидаларнинг қабул қилиниши давлатлар ўртасида сув таъминоти ва канализация хизматларини яхшилаш мақсадида чет мамлакатлар томонидан киритилаётган инвеститциялар хажмини оширишда ҳамкорлик асосида икки томонлама ҳал қилиниши, давлатлараро ҳамкорлик доирасида эришилган келишувларга нисбатан янада самарали натижаларга эришиш имконини яратади.

2030 йилгача Ўзбекистонда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 91 фоизга етказилади. “Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, сувнинг сифатини яхшилаш сув истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этишни назарда тутган 2020-2030 йилларга мўлжалланган Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилади. Бунда 2030 йилда аҳолининг ичимлик суви таъминоти даражасини бугунги кундаги 69 фоиздан 91 фоизга, шаҳарлар ва туман марказларидағи оқова сув тизими таъминоти даражасини 16 фоиздан 31 фоизга етказилиши таъминланади” Айни вақтда мамлакат аҳолисини айниқса 11 мингдан зиёд қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мамлакатда марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 68 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич, жумладан, Қорақалпогистонда 52 фоиз, Бухорода 53, Қашқадарё ва Сурхондарёда 54, Хоразмда 56 фоизга етган, холос.

Тошкент шаҳрида сув таъминоти корхоналари рентабеллиги 7 фоиз, Андижон ва Қашқадарёда 6, Навоийда 3 фоизни ташкил этади. 27 минг километр ёки 38 фоиз сув тармоқлари авария ҳолатида бўлса, 2 мингта ёки 20 фоиз сув насослари ишдан чиқсан. Шаҳарларнинг фақат 79 тасида (57 фоиз) канализация тизими мавжуд, унинг ҳам 23 фоизи таъмирга муҳтоҷ. Хусусан, сўнгги икки йилда соҳага бюджетдан 3,7 триллион сўм маблағ ажратилиб, 48 та лойиҳага 1,9 миллиард доллар хорижий кредитлар жалб қилингани, аммо лойиҳани танлашда жойлардаги ҳолат, аҳолининг талаби ва мавжуд сув манбалари кўп ҳолларда тўлиқ ўрганилмаётгани таъкидланди. Уч йил ичida 3,6 миллион аҳолига сув етказиш режалаштирилиб, маблағ масаласи ҳал қилиб берилган бўлсада, барча муаммолар охиригача ўз ечимини топмаган.

Хақиқатан, ўтган вақт давомида амалда бор-йүғи 30 фоиз хонадонга сув кириб борган. Мазкур камчиликлар ҳисобига кредитларни қайтариш юки давлат бюджетига тушмоқда. Мисол учун, хорижий кредитлар бўйича сув таъминоти корхоналари учун охирги икки йилнинг ўзида бюджетдан 117 миллиард сўм ёки 12 миллион АҚШ доллари тўлаб берилди. Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш схемаси ҳам эскирган. У 2010 йилгача муддатга ишлаб чиқилган ва шу вақтга қадар янгиланмаган. Шунингдек, техник жиҳозлар масаласида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Ҳозирги кунда жойлардаги сув иншоотларига жами 17,5 минг дона сув ҳисоблагич ўрнатилиши талаб этилсада, амалда атиги 7 фоиз сув ўлчагичлар мавжуд. Ана шу муаммолардан келиб чиқиб, соҳада инвеститцион муҳитни шакллантириш, янги технологияларни жалб этиш борасида ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Биринчидан, йил яқунига қадар жами 2,5 миллион аҳоли тармоққа уланиб, биллинг базага киритилади. Натижада йилига яна 140 миллиард сўм қўшимча даромад олинади. Келгуси йилдан бошлаб барча лойиҳаларда ичимлик сувни хонадонларгача етказиб бериш назарда тутилади. Иккинчидан, лойиҳаларни танлаш, амалга ошириш ва натижадорликни таъминлашни мониторинг ва назорат қилиш бўйича янги тизим яратилади Шу билан биргаликда, Республика худудларини ичимлик суви билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида Халқаро молия институтлари (ХМИ)нинг, жумладан Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Европа инвестиция банки, Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК жамғармаларининг имтиёзли маблағлари жалб қилинмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини ривожлаштириш юзасидан Халқаро молия институтлари иштирокида 2021 йилда умумий қиймати 2 350 млн. Долларга teng бўлган жами 22 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Маълумот учун: Бугунги кунда Осиё тараққиёт банки (5 та лойиҳа), сиё инвратузилмавий инвестиция банки (1 та), Жаҳон банки 5 та), Европа тараққиёт ва тикланиш банки (6 та), Европа инвестиция банки (1 та), Ислом тараққиёт банки (1 та), Саудия тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК жамғармалари (3 та)нинг қарз маблағлари ҳисобидан лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ушбу 22 та лойиҳа қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилмоқда:

- 1 972,9 млн. доллар (83,9 %) ХМИ маблағлари;

- 377,6 млн. доллар (16,1%) давлат бюджети маблағлари.

Амалга оширилаётган 22 та лойиҳадан 16 та лойиҳа йилдан йилга ўтувчи, 6 та лойиҳа эса янги лойиҳа ҳисобланади. Инвестиция дастурига мувофиқ, 2021 йилда 20 та лойиҳа бўйича жами 201,1 млн.доллар миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштири белгиланган. Амалда жорий йилнинг январь-июнь ойларида 72,2 млн. доллар миқдорида халқаро молия институтларининг қарз маблағлари ўзлаштирилиб, белгиланган прогноз кўрсаткичи (71,8 млн.доллар) 100,6 фоизга бажарилди.

Ўзлаштирилган қарз маблағларининг асосий қисми Осиё тараққиёт банки (жами ҳажмга нисбатан 38,1 фоиз ёки 27,5 млн. доллар), Жаҳон банки (31,8 фоиз ёки 23,0 млн. доллар), Ислом тараққиёт банки (20,6 фоиз ёки 14,8 млн. доллар), Саудия тараққиёт жамғармаси (4,9 фоиз ёки 3,5 млн. доллар) ҳамда ОПЕК жамғармаси (3,6 фоиз ёки 2,6 млн. доллар) ҳиссасига тўғри келди.

Ўзлаштирилган қарз маблағларининг асосий қисми Сирдарё вилояти (14,8 млн. доллар), Бухоро вилояти (18,7 млн. доллар), Тошкент вилояти (18,4 млн. доллар), Самарқанд вилояти (9,7 млн. доллар), Жиззах вилояти (7,4 млн. доллар) ва Қорақалпоғистон Республикаси (1,7 млн. доллар) ҳиссасига тўғри келди.

Ушбу маблағлар асосан қурилиш-монтаж ишлари (93,4 фоизи 67,4 млн. доллар), ускуна ва жиҳозлар харид қилиш (0,8 фоизёки 0,6 млн. доллар) ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш ва бошқа йўналишлар (5,7 фоиз ёки 4,1 млн. доллар) учун йўналтирилди.

Шу билан биргаликда, бугунги кунда ХМИ маблағларини жалб этган ҳолда мамлакатимиз худудларининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув соҳасини янада ривожлантиришга йўналтирилган умумий қиймати 2,1 млрд. долларга тенг бўлган 23 та истиқболли лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Айни пайтда ушбу лойиҳаларнинг лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши, ишлаб чиқилган хужжатларни келишиш ва тасдиқлаш жараёнлари кетмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда "Ўзсувтаъминот" АЖ томонидан ХМИ иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан кўрилаётган чоралар, мавжуд камчиликлар ҳамда уларни бартараф этилиши билан боғлиқ бўлган молиявий масалалар бевосита лойиҳаларни қабул қилишда бухгалтерия хизматлари молиявий хисоб халқаро стандартлари (МХХС) асосида тахлил қилиш ва очиб беришдан иборат бўлади.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, корхоналарни самарали бошқаришда кўпроқ уларни йирик гуруҳларга бирлаштирган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқдир. Бунда икки

ёки ундан ортиқ компания молиявий- иқтисодий жиҳатдан бир компания ёки молия ғурухлари остида бирлашади. Консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузишнинг асосий мақсади – корпорация фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини түлигича очиб беришдан иборатdir. Афсуски, ҳозирда амал қилиб турган консолидацияланган молиявий ҳисобот тузиш услугияти МҲҲС талаблари даражасида түлиқ жавоб бермайди.

Халқаро ҳисоб андозаларига кўра, консолидацияланган молиявий ҳисобот бош корхона раҳбарлигидаги корхоналар гурухи учун умумлаштирилган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш билан шуғулланади.

Консолидацияланган молиявий ҳисобот моддалари корхоналар гурухидаги молиявий аҳвол, операциялар натижалари ва молиявий аҳволдаги ўзгаришга оид ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида шакллантирилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. ХЮС учун молиявий ҳисоботларнинг ўзгариши бухгалтерия ҳисобини уйғунлаштиришни ривожлантириш билан боғлиқ бўлади. Туркияда фаолият олиб борган турли компаниялар жаҳон молиявий бозорида рақобатлашашётганлиги сабабли улар учун МҲҲСнинг сўнгги ўзгаришларини тушуниш муҳим ҳисобланади[11]. ХЮСда харажатларни минималлаштиришга қаратилган шартнома тузиш амалиётлари консолидацияланган молиявий ҳисоботни шакллантирища муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, консолидация эҳтимоллиги ўзаро кафолатлар, раҳбариятнинг фирма капиталидаги улуши ва корхона ва ташкилотлари сони ва тури мавжудлиги билан боғлиқ[12].

Консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш масалалари кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Ҳусусан иқтисодчи олимлар А.Ибрагимов, И.Очилов, И.Қўзиев ва Н.Ризаевлар “шўъба корхоналар, филиаллар ва вакилликларга эга бўлган корхоналар консолидацияланган молиявий ҳисобот тузади” деб таъкидлашган[3]. И.Н.Қўзиев ва И.Авезовнинг фикрича “Консолидацияланган ҳисобот бош, шўъба, ҳамкорликда назорат қилинадиган ва шўъба жамиятларда тузилган ҳисоботларнинг маълумотларини ўзида акс эттиради. Бунинг устига ҳисобот мулк ва молиявий аҳвол, шунингдек, фаолият натижалари компаниялар бош ва шўъба корхоналари гуруҳи бир бутун ҳолда кўриниши учун тузилиши керак”лигини таъкидлаб, ҳисоботларни консолидациялашга таъриф берган[4]. А.З.Авлоқулов, Д.Х.Азларовларнинг фикрича ривожланган мамлакатлар тажрибасида корхоналарни самарали бошқариш, уларни йирик молия гурухларига бирлаш-

тириш кенг тарқалганлиги таъкидлаб, “Консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузишнинг асосий мақсади – корпорация фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини түлигича очиб беришдан иборатdir. Консолидацияланган молиявий ҳисобот иқтисодий ва молиявий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта компанияларнинг гуруҳи хусусида умумий маълумот олишни таъминлаб, ушбу компаниялар гурухининг фаолияти натижалари ва истиқболини ўзида акс эттиради” деб тариф берганлар [6].

С.Н.Ташназаров консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш жараёнида “... “5 та пакет стандарт” таркибига кирувчи стандарт ҳисобланади ва уларнинг бирининг қўлланилиши бошқасининг ҳам қўлланилишини тақозо қиласди: “Консолидацияланган молиявий ҳисобот” тўғрисидаги 10-сон МҲҲС, “Қўшма фаолият”тўғрисидаги 11-сон МҲҲС, “Бошқа компанияларга қатнашиш ҳиссаси тўғрисидаги ахборотларни очиқлаш” тўғрисидаги 12-сон МҲҲС, “Алоҳида молиявий ҳисобот” тўғрисидаги 27-сон БҲҲС (IAS), “Ассоциациялашган компанияларга инвестициялар ва қўшма корхоналар” тўғрисидаги 28-сон БҲҲС (IAS)” деб ўз муносабатларини билдирганлар[7].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида обхективлик тамойили кузатиш, статистик маълумотлар билан ишлаш, қиёсий таҳлил усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Корхоналарнинг бирлашуви деб, алоҳида бир корхонанинг иккинчисига қўшилиши ёки бир корхона иккинчи корхонанинг соф активлари ва ишлаб чиқариш фаолияти устидан назоратни сотиб олиш оқибатида бир иқтисодий бирликка қўйилишига айтилади.

Бу, асосан, бирор-бир фаолият билан шуғуланаётган компаниянинг эгалари томонидан ушбу компания таркибида бир нечта майда мустақил корхоналарни ташкил этишга бўлган ҳаракатидан келиб чиқади. Бунинг натижасида солиқ тўловлари бўйича муайян тежаш юзага келади. Кўпчилик ҳолларда бизнеснинг кенгайиши зарурият ҳисобланади. Бундай вазиятда транснационал компаниялар ўз фаолиятини бутун жаҳон бўйлаб кенгайтиради. Корхоналарнинг бизнесининг кенгайиши ва қўшма фаолиятини назорат қилишда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш талаб этилади.

“...Корхоналар бирлашиши ва консолидацияланисига доир ҳисоботлар: Корхоналарнинг бирлашиши бўйича молиявий ҳисобот; консолидацияланган молиявий ҳисобот; қўшма корхоналарда иштирок этиш бўйича молиявий ҳисобот” тузилади[13]. Консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузишнинг назарий ва мето-

долгик жиҳатларини “Жамланган (консолидацияланган) молиявий ҳисоботлар” түғрисидаги 10-сон МХХС, “Биргалиқдаги фаолият бўйича келишувлар” түғрисидаги 11-сон МХХС, “Алоҳида молиявий ҳисоботлар” түғрисидаги 27-сон БХХС (IAS)ёки “Қарам тадбиркорлик субъектларида ва қўшма корхоналардаги инвестициялар” түғрисидаги 28-сон БХХС (IAS) деб, номланган стандартлар ўзида консолидацияланган молиявий ҳисоботни амалиётда қўлланилишига қўйилган талабларни очиб беради.


Жумладан, “Қарам ташкилотлардаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар” түғрисидаги 28-сон БХХС (IAS) стандарти қарам ташкилотлардаги инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилаш ҳамда қарам ташкилотлар ва қўшма корхоналардаги инвестицияларни ҳисобга олишда улуш бўйича ҳисобга олиш усули қўлланилишига нисбатан талабларни белгилаш учун хизмат қиласди 1-расм).



1-расм. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувоффик инвестицияларни ҳисобга олиш усуллари[5]

“Қарам ташкилотлардаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар” түғрисидаги 28-сон БХХС (IAS)да консолидацияланган молиявий ҳисоботларга таъриф берилган. Ушбу стандартда “гурухнинг молиявий ҳисоботлари бўлиб, унда бош ташкилот ва унинг филиал ташкилотларининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари, харажатлари ва пул оқимлари ягона иқтисодий фаолият юритувчи субъектга тегишли сифатида тақдим этилади” деб, консолидацияланган молиявий ҳисобот мазмуни очиб берилган[10]. Бош компанияяга қарам ташкилот

тушунчасига “... бу шундай ташкилотки, бунда инвестор унинг устидан жиддий таъсирга эгадир” деб, таъриф берилган. Суғурта компанияси агарда, бевосита ёки билвосита, инвестиция обьектида 20 фоиз ёки ундан кўпроқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлса, бундай ташкилот жиддий таъсирга эга деб ҳисобланади. Агарда суғурта компанияси, бевосита ёки билвосита (масалан шўъба ташкилотлари орқали), инвестиция обьектида 20 фоиздан камроқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлса, бундай ташкилот жиддий таъсирга эга эмас деб ҳисобланади (2-расм).



2-расм. МХХСлари талабларига асосан ХЮС (АЖ) компанияларида инвестицияларни ҳисобга олиш, уларни назорт қилиш ва консолидациялаш механизми[5]

ХЮС (акционерлик жамияти)да жиддий таъсирнинг мавжудлиги одатда қуидаги ҳолатнинг бирида ёки бир нечасида намоён бўлади³:

(а) инвестиция объектининг директорлар кенгашида ёки шўнга ўхшаш бошқарув органида вакилга эга бўлиш;

(б) сиёсатни ишлаб чиқиши жараёнида иштирок этиш, жумладан дивиденdlар ёки бошқа тақсимотлар бўйича муҳокамаларда иштирок этиш;

(в) ташкилот билан унинг инвестиция обьекти ўртасидаги аҳамиятли операциялар;

(г) раҳбарият ходимларининг ўзаро алмашинуви.

Инвестиция обьекти устидан биргаликдағи назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга бўлган инвесторлар ёки бош ташкилотнинг “Жамланган (консолидацияланган) молиявий ҳисоботлар” тўғрисидаги 10-сон МҲҲС ёки “Алоҳида молиявий ҳисоботлар” 27-сон БҲҲС (IAS)га мувофиқ тақдим қилинадиган жамланган (консолидацияланган) ва алоҳида молиявий ҳисоботларида ўзаро боғлиқ томонлар билан алоқалар, операциялар ва бундай операциялар бўйича мавжуд бўлган қолдиқлар, шу жумладан мажбуриятлар, тўғрисида маълумотлар очиб

берилишини талаб этади.

ХЮС (Акционерлик жамият) ларда қўшма фаолият, бу шундай биргаликдаги фаолият бўйича келишувки, бунда фаолиятнинг биргаликдаги назоратига эга томонлар фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларга, мажбуриятлар учун бурчларга, эга бўладилар. Ушбу томонлар қўшма операторлар деб юритилади. Молиявий ҳисботнинг халкаро стандарти “Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар” тўғрисидаги 11-сон МҲҲС биргаликда назорат қилинадиган фаолият бўйича келишувларда (яъни биргаликдаги фаолият бўйича келишувларда) улушга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисботни тайёрлаш ва тақдим этиш тамойиларини белгилайди.

Қўшма корхона - бу шундай биргаликдаги фаолият бўйича келишувки, бунда фаолиятнинг биргаликдаги назоратига эга томонлар фаолиятнинг соф активларига нисбатан ҳуқуқларга эга бўладилар (5-расм). Қўшма корхона иштирокчиси - бу қўшма корхонадаги томон бўлиб, у ушбу қўшма корхона устидан биргаликдаги назоратга эгадир. Ушбу томонлар қўшма тадбиркорлар деб юритилади.

Қўшма операторнинг қўшма фаолиятдаги ўз улушкини тан олиши шартлари:

Кўшма фаолиятдаги ўзининг активларини, жумладан биргаликда эгалик қилинадиган ҳар қандай активлардаги ўз улушкини тан олиш

Кўшма фаолиятдаги ўзининг мажбуриятларини, жумладан биргаликда кабул қилинадиган ҳар қандай мажбуриятлардаги ўз улушкини тан олиш

Кўшма фаолиятдан юзага келадиган натижадаги ўз улушкининг сотувидан олинидиган унинг даромадини тан олиш

Кўшма фаолиятдаги маҳсулнинг сотувидан даромаддаги ўзининг улушкини тан олиш

Кўшма фаолиятдаги ўзининг харажатларини, жумладан биргаликда сарфланадиган ҳар қандай харажатлардаги ўз улушкини тан олиш


3-расм. Қўшма операторнинг қўшма фаолиятдаги ўз улушкини тан олиши шартлари[3]

Тадбиркорлик субъекти, у иштирок этган биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг турини аниқлаши лозим. Биргаликдаги фаолият бўйича келишувни қўшма фаолият ёки қўшма корхона сифатида таснифлаш фаолиятдаги томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига боғлиқ бўлади.

ХЮС ва (АЖ)да консолидациялашган молиявий ҳисбботларни тузушда фойдаланилайдиган МҲҲСларни мақсадига қараб қўллаш кетматлиги (4-расм):

1) Консолидацияланган молиявий ҳисбботни тузишда “Молиявий ҳисбботларни тақ-

дим этиш” тўғрисидаги 1-сон БҲҲС (IAS) молиявий ҳисбботларни тақдим этишга нисбатан умумий талабларни, уларнинг тузилишига оид кўрсатмаларни ҳамда уларнинг мазмунига доир минимал талабларни ўрнатади ҳамда “Жамланган (консолидацияланган) молиявий ҳисбботлар” тўғрисидаги 10-сон МҲҲСга мувофиқ алоҳида молиявий ҳисбботларни тақдим этадиган хўжалик субъектларига, нисбатан бир хил тарзда қўлланилади (4-расм).



4-расм. ХЮС (АЖ) да консолидациялаган молиявий ҳисоботни тузиша қўлланиладиган МХХСлар[5]

ХЮС (Аж)да консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиша “Сегмент бүйича ҳисобот” түгрисидаги 14-сон МХХС молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига ёрдам бериш учун молиявий маълумотларнинг сегментлари бүйича ҳисобот бериш тамойилларини (жамият томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг турлари ва у фаолият юритаётган турли жуғрофий ҳудудлар түгрисидаги маълумотлар) ўрнатишидан иборат:

- 1) жамиятнинг ўтган даврлардаги фаолиятини тушуниш;
- 2) жамият фойдалари ва хатарларини баҳолаш;

3) умуман жамият түгрисида қўпроқ маълумотли қарорлар қабул қилиш. “Сегмент бүйича ҳисобот түгрисида”ги 14-МХХС стандарти акциядорлик ёки қарз қимматли қоғозлари эрkin сотиладиган компаниялар ва очик қимматли қоғозлар бозорида акционерлик ёки қарзли қимматли қоғозлар чиқариш жараёнида бўлган жамият томонидан қўлланилиши керак.

ХЮС (АЖ) да консолидациялаш молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами бухгалтерия баланси, даромадлар түгрисида ҳисобот, пул маблағлари оқими түгрисида ҳисобот, капиталдаги ўзгаришларни кўрсатувчи ҳисобот ва 1-молиявий ҳисоботни тақдим этиш стандартига мувофиқ ёзувларни ўз ичига олади. Агар битта молиявий ҳисоботда қимматли қоғозлари эрkin муомалада бўлган компаниянинг консолидацияланган молиявий ҳисоботи, шунингдек, бош ёки бир ёки бир нечта шўъба корхоналарнинг индивидуал молиявий ҳисоботлари бўлса, сегмент маълумотлари фақат консолидация қилинган молиявий ҳисобот асосида тақдим этилиши керак (4-расм).

2) Акционерлик жамиятларда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиша “Ўзаро

боғлиқ томонлар түгрисидаги маълумотларни очиб бериш” түгрисидаги 24-сон БХХС (IAS) инвестиция объекти устидан биргаликдаги назоратга ёки жиддий таъсирга эга бўлган инвесторлар ёки бош ташкилотнинг “Жамланган (консолидацияланган) молиявий ҳисоботлар” түгрисидаги 10-сон МХХС ёки “Алоҳида молиявий ҳисоботлар” түгрисидаги 27-сон БХХС (IAS)га мувофиқ тақдим қилинадиган жамланган ва алоҳида молиявий ҳисоботларида ўзаро боғлиқ томонлар билан алоқалар, операциялар ва бундай операциялар бүйича мавжуд бўлган қолдиқлар, шу жумладан мажбуриятлар, түгрисида маълумотлар очиб берилишга хизмат қиласди. Гуруҳдаги бошқа ўзаро боғлиқ томон бўладиган тадбиркорлик субъектлари билан амалга ошириладиган операциялар ва бундай операциялар бўйича мавжуд бўлган қолдиқлар тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисоботларида очиб берилади. Гуруҳ ичидаги ўзаро боғлиқ томонлар билан операциялар ва улар бўйича мавжуд бўлган қолдиқлар гуруҳнинг жамланган молиявий ҳисоботлари тайёрланганида чиқариб ташланади (4-расм).

3) Акционерлик жамиятларда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиша “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” түгрисидаги 32-сон БХХС (IAS) стандартида мажбуриятлар ёки капитал сифатида тақдим этиш ҳамда молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тамойилларини белгилашдан иборат бўлиб, аммо “Жамланган (консолидацияланган) молиявий ҳисоботлар” түгрисидаги 10-сон МХХС, “Алоҳида молиявий ҳисоботлар” түгрисидаги 27-сон БХХС (IAS) ёки “Қарам тадбиркорлик субъектларидағи ва қўшима корхоналардаги инвестициялар” түгрисидаги 28-сон БХХС (IAS) стандартларига мувофиқ ҳисобга олинадиган шуъба тадбиркорлик субъект-

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТІСОДИЁТИ

лари, қарам тадбиркорлик субъектлари ёки құшма корхоналардаги улушлар бүйіча молиявий инструментларға ҳамда “Сұғурта шартномалари” түғрисидеги 4-сон МХХСда таърифланған суғурта шартномаларига нисбатан құлланилмайды. Бирок, “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” түғрисидеги 32-сон БХХС (IAS) и суғурта шартномаларига сингдирилған деривативларға нисбатан құлланилади, агарда түғрисидеги 9-сон МХХС ташкилотдан уларни алоҳида ҳисобга олишни талаб этса.

Жамланған (консолидациялашган) ҳисобот тузиш талаб этиладиган ташкилотлар “Бошқа тадбиркорлик субъектларида иштирок этиш түғрисидеги маълумотларни очиб бериш” түғрисидеги 12-сон МХХС талабларини құлламайды. “Бизнес бирлашувлари” түғрисидеги 3-сон МХХС талаблари, “Жамланған (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар” 10-сон МХХСда таърифланған, инвестицион тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки заарда ҳисобга олиниши талаб этилған шуъба тадбиркорлик субъектидеги инвестицияни сотиб олишга нисбатан құлланилмайды. “Молиявий инструментлар: Тан олиш ва баҳолаш” түғрисидеги 39-сон БХМС, “Жамланған молиявий ҳисоботлар” түғрисидеги 10-сон МХХС, “Алоҳида молиявий ҳисоботлар” түғрисидеги 27-сон БХХС (IAS) ёки “Қарам тадбиркорлик субъектларидеги ва құшма корхоналардаги инвестициялар” түғрисидеги 28-сон БХХС (IAS)га мувофиқ ҳисобга олинадиган шуъба тадбиркорлик субъектларидеги, қарам тадбиркорлик субъектларидеги ва құшма корхоналардаги улушларға нисбатан құлланилмайды. Бирок, тадбиркорлик субъектлари 27-сон БХХС (IAS) ёки 28-сон БХХС (IAS)га мувофиқ

“Молиявий инструментлар: Тан олиш ва баҳолаш” түғрисидеги 39-сон БХХС (IAS) стандарт бүйіча ҳисобга олинадиган шуъба тадбиркорлик субъектидеги, қарам тадбиркорлик субъектидеги ёки құшма корхонадаги улушга нисбатан 39-сон БХХС (IAS) стандартни құллаши лозим. Тадбиркорлик субъектлари шуъба тадбиркорлик субъектидеги, қарам тадбиркорлик субъектидеги ёки құшма корхонадаги улуш бүйіча деривативларға нисбатан ҳам 39-сон БХХС (IAS) стандартни құллаши лозим, бунда деривативлар “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” түғрисидеги 32-сон БХХС (IAS)даги тадбиркорлик субъектининг улушлы инструменти таърифини қаноатлантирмагунча (4-расм).

17-сон МХХС стандартининг мақсади ташкилотта шартномаларни ҳаққоний рационалитеттегі тақдим этадиган тегишли маълумотларни тақдим этишдан иборат. Ушбу маълумотлар молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар томонидан шартномаларининг ташкилотнинг молиявий ҳолатига, молиявий күрсаткичларига ва пул оқимларига таъсирини баҳолаш учун хизмат қилади.

Консолидация натижасыда учта ҳисобитоб амалга оширилади:

1) Инвестицияларни чегириш. Бунда элиминлаш усули құлланилади;

2) Иқтисодий операцияларни чегириш. Гурұх ичидеги олди-сөтди операцияларни ҳисобдан чиқариш;

3) Молиявий операцияларни чегириш. Гурұх ичидеги ўзаро қарз муносабатларини чегириш. Масалан, баш компания шүйба корхонага қарз берган. Консолидацияланған молиявий ҳисоботда бу операцияни чегириш лозим.

1-жадвал

Аждада консолидация қилиш учун белгиланған шартлари [6]

| Аждада консолидация қилиш даражасы | Этаптардағы үлес | Бухгалтерияның үсуллари |
|--|--------------------|--|
| Моддий таъсир ийік, шунинг учун Капитал устида иқтисодий назорат мавжуд емес | <20 % | Инвестициялар ҳисоби ЛСМ тамойили бүйіча амалга оширилади |
| Моддий таъсир мавжуд, аммо назорат мавжуд емес | 20 % дан 50 % гача | Инвестициялар ҳисоби сотиб олиш баҳосы + Инвестиция қилинған компания фойдасидан улуш Олинған дивидендлар күренишида юритилади |
| Назорат (маржиритал хукмронлық) | > 50 % | Гурұх консолидация қилинши керак |

Ўзбекистон Республикасининг ХЮСда консолидацияланған ҳисоботни тузиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 декабрда 580-сон билан рўйхаттга олинған “Консолидацияланған молиявий ҳисоботлар ва инвестицияларни шүйба хўжалик жамиятларида ҳисобга олиш” деб номланған 8-сон

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарты (БХМС) билан тартибга солинади. Қуйидеги схемада суғурта компанияларидеги консолидацияланған молиявий ҳисоботни тузиш кетма-кетлеги ва унининг босқичлари келтирилған (5-расм):

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОНСОЛИДАЦИЯЛАНГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ БОСҚИЧЛАРИ



5-расм. АЖларда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш босқичлари[6]

Бунда назорат деганда улар фаолиятидан фойда олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва хўжалик сиёсатини белгилаш ҳуқуқи тушунилади, бош жамият томонидан назорат қилинадиган хўжалик юритувчи субъект эса шўъба хўжалик юритувчи субъект (шўъба корхона) деб номланади. Яъни консолидацияланган молиявий ҳисобот фақат бош жамиятда (асосий компанияда), улар мулкчилик туридан ва бош жамиятнинг ташкилий- ҳуқуқий шаклидан қатъий назар назорат қилинадиган шўъба корхоналар мавжуд бўлгандагина тузилади. Бунда юридик жиҳатдан мустақил ҳар бир корхона, ўз операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритишлари ва уларнинг натижаларини алоҳида молиявий ҳисобот кўринишида расмийлаштиришлари шарт.

ХЮС ва (АЖ)да консолидацияланган ҳисоботни тузиш жараёнида консолидацияланган балансда ҳам бош корхона, ҳам шўъба корхонанинг моддий қийматларни кўрсатилган бўлади. Худди шундай молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботтда “Сотиш ҳажми” моддаси ҳам бош корхона, ҳам шўъба корхона томонидан амалга оширилган сотиш ҳажмини ўз ичига олади.

Консолидациялашган балансни тайёрлаш вақтида бош ва шўъба корхоналарнинг маълум моддалари бирлаштирилади. Айрим моддалар бош ва шўъба корхоналар ўртасида юз берган муомалалар сифатида айрилиши (ҳисобдан чиқарилиши) мумкин. Масалан, бош компания назорати остида бўлган бир корхонани иккинчи сига бўлган қарзи, улар орасидаги олди-сотди

муомалалари. Ҳисобот тузиш жараёнида бундай хўжалик муомалалари ҳисобварақларнинг умумий натижасида акс эттирилмаслиги лозим. Чунки олди-сотди муомалалари, қарзни тўлаш ва уни олиш муомалалари компания ичидаги пул маблағларининг кўпайишига сабаб бўлади.

Масалан, АЖда молиявий ҳолат тўғрисида КМХ тузища қуидаги дастлабки босқичлардаги ишлар амалга оширилади (9-расм):

Юқоридаги 5 босқичдаги ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг умумий қоидага мувофиқ бош компания ва шўъба ёки филиалларнинг актив ва мажбуриятлари сатрлар бўйича корректировкаларни ҳисобга олиган ҳолда жамлаш орқали молиявий ҳолат тўғрисида консолидациялашган молиявий ҳисобот тузилади.

Қайта ҳисоблашларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор муомалалар бўйича бартараф қилиш ёки тузатиш усулларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бош корхона ўртасидаги операциялар бўйича такрорий ҳисоблашни инкор этиш мақсадида элиминлаш (чиқариб ташлаш) усули ишлатилади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, элиминлаш фақат консолидацияланган молиявий ҳисоботни тайёрлаш пайтида ишлатилади ва у бош корхона ҳамда шўъба корхонанинг ҳисоб регистрларида акс эттирилмайди.

Ҳеч қандай консолидациялашган ҳисобот регистрлари юритилмайди. Гурух ичидаги қолдик ва муомалалар ҳамда фойдаланилмай қолинган фойда натижасида юзага келган муомалаларнинг барчаси бутунлай ҳисобдан чиқарилиши лозим.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРНИНГ КОНСОЛИДАЦИЯЛАНГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСБОТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ
ҚИЛИШ



6-расм. ХЮС ва (АЖ) да консолидацияланган молиявий ҳисботни трансформация қилиш ва
тузишнинг якуний босқичи

Агар консолидация пайтида ишлатилган молиявий ҳисботлар ҳар хил ҳисбот саналарига тайёрланган бўлса, унда мавжуд муомалалар ва бошқа ушбу ҳисбот саналари ҳамда бош корхонанинг молиявий ҳисботи санаси ораси-

даги давр ичida бўлиб ўтадиган, хўжалик фаолиятининг воқеалари натижаларига тузатиш киритилиши лозим. Консолидацияланган молиявий ҳисботларни ягона ҳисоб сиёсатини қўллаган ҳолда тайёрлаш лозим.



7-расм. Молиявий ҳолат тўғрисида КМҲ тузишда дастлабки амалга
ошириладиган ишларнинг босқичлари [7]

Хулоса ва тақлифлар. ХЮС ва (АЖ)нинг хусусиятларини инобатга олиб, консолидацияланган молиявий ҳисоботларни ягона халқаро ҳисоб сиёсатини қўллаш учун 1998 йил 28 деқабрда 580-сон билан рўйхатга олинган “Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва инвестицияларни шўъба хўжалик жамиятларида ҳисобга олиш” деб номланган Ўзбекистон Республикасининг 8-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС)ни МХХС талаблари доирасида суғурта фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини киритиш, молиявий бирлаштириш ва ўзига хос молиявий таҳдил қилиш кўрсаткичлари меъёри хужжатлар асосида ишлаб чиқиши талаб этади.

1) Консолидацияланган молиявий ҳисоботларини шаклланишидан олдин суғурта бозорида турли ихтисослашган суғурта компаниялари учун бухгалтерия маълумотларини халқаро амалиёт талаблари доирасида бир хиллигини ва уни таҳдил қилиш мезонларининг ягона тизимини таъминлаш;

2) Консолидацияланган молиявий ҳисоботларини тузишда иқтисодий уюшма қатнашчилари ўртасида амалга оширилган қайта суғурталаш операцияларининг айланмаси ва счетла-

ридаги қолдиқларни чиқариб ташлаш ва унга тегишили бухгалтерия счетларига тузатишлар киритиш керак;

3) 4-МХХС 17)-сонга мувофиқ ХЮСнинг консолидацияланган молиявий ҳисоботларни шакллантириш тартиблари ва ҳисбот маълумотлари таққосланишини таъминлаш бўйича ягона низом ва йўриқномаларни ишлаб чиқиши керак;

4) Консолидацияланган молиявий ҳисоботларни шакллантириш учун ягона услубий таъминот етишмовчилиги сабабли, элиминирлаш мақсадида гуруҳ ичида операцияларни ҳисобга олиш ҳамда идентификациялаш масалалари бўйича услубий тавсиялар ва юқоридаги кетма-кетлиги ва консолидациялаш босқичларини амалиётга қўлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ХЮС ва (АЖ)нинг фойдаланиладиган МХХС ҳисобвараглари, бухгалтерия ҳисоб сиёсати ва ишчи жадвалининг яхлитлигини таъминлаш, МХХСга мувофиқ ҳисбботларни юритиш ва молиявий ҳисбботларни тузишнинг энг мақбул усулини танлаш орқали консолидация тартибини оптималлаштиришга эришилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/4257083>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2016 йил 14 апрель № 404.
3. Ибрагимов А.К., Каримов А.А., Ризаев Н.К., Имамова Н.М. — Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлари. -Т.: “MOLIYA”, 2018 - 296 б.
4. Ибрагимов А.К., Очилов И.К., Кўзиев И.Н., Ризаев Н.К. “Молиявий ва бошқарув ҳисоби”. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2002. -444 б.
5. Кўзиев И.Н., Авазов И. Консолидациялашган молиявий ҳисббот тузишнинг назарий асослари. “Халқаро молиява ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил
6. Хўжабеков Н.Б. Бизнесни бирлаштиришда консолидациялашган молиявий ҳисбботларни тақомиллаштириш: и.ф.н. илмий дараҷасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Тошкент 2009.
7. Очилов И.К., Азларов Д.Х., Авлоқулов А.З. “Молиявий ҳисоб-2”. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2003. -326 б.
8. Ташназаров С.. Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлари: Дарслик. – Тошкент: 2019. – 555 б.
9. Пальгуева Т. В. Консолидированная финансовая отчетность страховых компаний. Автореф. дисс. на соискание канд. экон. наук. Москва, 2009.-22 б.
10. Сборник отдельных МСФО, ЧАСТЬ 1 выпущенных на 1 января 2015 года. Ташкент, 2015, -235 б
11. Сборник отдельных МСФО, ЧАСТЬ 2 выпущенных на 1 января 2015 года (официальный перевод на русский язык Фонда МСФО), Ташкент, 2015, -257 б
12. Yigit BoraSenyigit. The Implementation of IFRS in the Turkish Insurance Industry. Procedia – Socialand Behavioral Sciences. Volume 62, 24 October 2012, Pages 294-300.
13. JaninaMühlnickel, Gregor N.F.Weiß. Consolidation and systemic risk in the international insurance industry. Journal of Financial Stability. Volume 18, June 2015, Pages 187-202.
14. Тошназаров С. “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисбботнинг назарий ва методологик асосларини тақомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати, Тошкент.: 2019.- 66.
15. Сайдов М.С. Табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усулларини жорий этиши масалалари. 08.00.13 – Менежмент. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий дараҷасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2009 й. 107 б.